

**QO'NG'IROT TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

230600, Qungirost tumani,
R.Abdullaev kuchasi, raqamsiz uy



**QO'NIRAT RAYONLAR ARALIQ
EKONOMIKALIY SUDI**

230600, Qon'irat rayoni, R.Abdullaev
ko'shesi, nomersiz jay

Tel: (55) 102-40-64 (253)

Эл.почта: i.qungirost@sud.uz

Ўзбекистон Республикаси номидан

ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Чимбой тумани 2023 йил 22 май 4-2303-2301/635-сонли иш

Қўнғирот туманлараро иқтисодий суди судьяси А.Ш.Аяпов раислигида, судья ёрдамчиси Б.Рамбергеновнинг котиблигида, Қ**** даъвогар "Е****" фермер хўжалиги манфаатида жавобгар "Q****" МЧЖ ҳисобидан 48 534 557 сўм асосий қарз ва 19 802 099,46 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво аризаси бўйича ишни Кенгаш вакили Ж.М****нинг (2023 йил 22 май кунги 289-сонли ишончнома асосида) иштирокида, Чимбой туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

аниқлади:

Қ**** (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) "Е****" фермер хўжалиги (бундан буён матнда даъвогар деб юритилади) манфаатида Чимбой туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, "Q****" МЧЖ (бундан буён матнда жавобгар деб юритилади) ҳисобидан 48 534 557 сўм асосий қарз ва 19 802 099,46 сўм пеня ундиришни сўраган.

Суд мажлисида Кенгаш вакили судга маълумотнома тақдим қилиб, жавобгарга нисбатан судга даъво ариза киритилганидан кейин жавобгар томонидан асосий қарздорлик бўйича тўловлар амалга оширилмаганлигини билдириб, асосий қарз ва ҳисобланган пеня қисмини тўлиқ ундириб беришни сўради.

Даъвогар ва жавобгар суд мажлисида иштирок этмади.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (бундан кейин матнда ИПК деб юритилади)нинг 170-моддасига мувофиқ иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида ҳал қилиниши мумкин.

Шу сабабли суд, низони уларнинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд, ишда иштирок этувчи шахслар вакилларининг суддаги кўрсатувини тинглаб, ишдаги мавжуд ва судга тақдим қилинган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра даъво аризани қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ишдаги ҳужжатлардан аниқланишича, 2021 йил 25 декабрь куни "Е****" фермер хўжалиги ва "Q****" МЧЖ ўртасида Пахта ҳом ашёси етиштириш ҳамда харид қилиш бўйича 32-сонли фьючерс шартномаси тузилган бўлиб, шартноманинг 1.1-бандига кўра "Хўжалик" 2022 йил

ҳосилидан “Бизнес режа”га асосан ер майдонининг балл бонитетига нисбатан ҳисобланган норматив ҳосилдорлигидан келиб чиқиб, ўртача балл бонитети __балл бўлган, 33,2 гектар ер майдонидан __селекцион навли, __репродукцияли, 69,74 тонна пахта ҳом ашёсини ҳосил йилининг 01 декабрь санасигача етиштириш, “Буюртмачи” эса мазкур шартноманинг 4-бўлимида белгиланган муддатларда ушбу маҳсулотларни ҳақини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Шартноманинг 4.1-бандига мувофиқ “Хўжалик” томонидан “Буюртмачи”га етиштириб бериладиган пахта ҳом ашёсининг дастлабки ҳисоб-китоб нархи 1 (бир) тонна учун 6 020 006 сўмни ташкил қилиши, ушбу нарх 2022 йил ҳосили пахта ҳом ашёсига нисбатан тавсия қилинган нархдан кам бўлмаслиги лозимлиги, ушбу белгиланган нарх якуний ҳисоб-китоб қилиш вақтида жаҳон бозори нархлари таҳлилидан келиб чиқиб қайта ҳисоб-китоб қилиниши, шартноманинг умумий суммаси 419 594 418 сўм ташкил қилиши белгиланган.

Даъвогар жавобгар томонидан мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаган деб ҳисоблаб, жавобгар ҳисобидан 48 534 557 сўм асосий қарз ва 19 802 099,46 сўм пеня ундириш тўғрисидаги даъво талаби билан судга мурожаат қилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда ФК деб юритилади)нинг 8-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлари қонунчиликда назарда тутилган асослардан, шунингдек фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг, гарчи қонунчиликда назарда тутилган бўлмаса-да, лекин фуқаролик қонунчилигининг умумий негизлари ва мазмунига кўра фуқаролик ҳуқуқ ҳамда бурчларни келтириб чиқарадиган ҳаракатларидан вужудга келади.

ФКнинг 234-моддасига асосан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади. Мазкур ҳолатда тарафларнинг мажбуриятлари Пахта ҳом ашёси етиштириш ҳамда харид қилиш бўйича фьючерс шартномасидан келиб чиққан.

ФКнинг 236-моддасига кўра, мажбурият мажбурият шартларига ва қонунчилик талабларига мувофиқ, бундай шартлар ва талаблар бўлмаганида эса — иш муомаласи одатларига ёки одатда қўйиладиган бошқа талабларга мувофиқ лозим даражада бажарилиши керак.

ФКнинг 465-моддасининг биринчи қисмига кўра, контрактация шартномасига мувофиқ қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ёки сотиш учун бундай маҳсулотни харид қиладиган шахсга – тайёрловчига шартлашилган муддатда топшириш (топшириб туриш) мажбуриятини олади, тайёрловчи эса бу маҳсулотни қабул қилиш (қабул қилиб туриш), унинг ҳақини шартлашилган муддатда муайян баҳода тўлаш (тўлаб туриш) мажбуриятини олади.

Иш ҳужжатларидан кўринишича, даъвогар билан жавобгар ўртасида тузилган солиштирма далолатномаси ва ҳисобварақ-фактурага кўра, жавобгар томонидан шартномада кўрсатилган маҳсулотлар етказиб

берилганлиги сабабли жавобгарнинг даъвогар олдида 48 534 558 сўм асосий қарз мавжудлиги аниқланган.

"Е****" фермер хўжалиги томонидан қарздорликни тўлаб бериш ҳақида жавобгарга оғзаки ва ёзма равишда огохлантирилишига қарамасдан жавобгар тўловларни белгиланган муддатларда тўлаб бермаганлиги, шартнома мажбуриятларини лозим даражада бажармаганлиги сабабли тарафлар ўртасида мазкур низо келиб чиққан.

ФКнинг 242-моддасига кўра, агар мажбуриятни бажариш муддати кўрсатилмаган ёки талаб қилиб олиш пайти билан белгилаб қўйилган бўлса, кредитор ҳар қачон ижрони талаб қилишга, қарздор эса — ижрони ҳар қачон амалга оширишга ҳақли бўлади.

ФКнинг 333-моддасига асосан қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонунчиликда ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Жавобгар томонидан шартномавий мажбуриятлар лозим даражада бажарилмаганлиги оқибатида даъвогар олдида 48 534 557 сўмлик қарздорлиги вужудга келган ва ушбу қарздорлик иш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топган. Мазкур ҳолатда суд, даъвогарнинг асосий қарз ундириш талабини тўлиқ қаноатлантиришни лозим топади.

Шунингдек, даъвогар жавобгар ҳисобидан 19 802 099,46 сўм пеня ундиришни сўраган.

Жавобгар шартнома бўйича олган мажбуриятини лозим даражада бажармаган, яъни етказиб берилган маҳсулотлар учун ўз вақтида тўловларни амалга оширмаган, шу билан бирга даъвогар мавжуд қарздорликни ўз вақтида суд тартибида ундириш чораларини кўрмаганлиги оқибатида қарздорлик юзага келган ва пеня суммасининг ошиб кетишига йўл қўйилган.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Олий Хўжалик суди Пленумининг “Мажбуриятларни бажармаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик учун мулкий жавобгарлик тўғрисидаги фуқаролик қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари ҳақида”ги №163-сонли қарорининг 2-бандида шартномада жарима ёки пеня шаклида белгиланадиган неустойка тарафлар томонидан қабул қилинган мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш усулларида бири ҳисобланиши, неустойкани ундириш тўғрисидаги даъволарни ҳал қилишда неустойка миқдорининг қонун талабларига мувофиқ ҳисобланганлиги, унинг асослилиги, мажбурият бузилиши оқибатларига мутаносиблиги каби ҳолатларни ҳар томонлама ва чуқур муҳокама қилиб, талаб қилинган неустойканинг адолатли миқдорини белгилашлари шартлиги тўғрисида тушунтириш берилган. Ушбу Қарорнинг 4-бандида, ФКнинг 326-моддасида агар тўланиши лозим бўлган неустойка кредиторнинг мажбуриятини бузиш оқибатларига номутаносиблиги кўриниб турса, суд неустойкани камайтиришга ҳақли эканлиги, бунда қарздор мажбуриятни қай даражада бажарганлиги, мажбуриятда иштирок этаётган тарафларнинг мулкий аҳволи, шунингдек кредиторнинг манфаатлари эътиборга олиниши

кераклиги, суд алоҳида ҳолларда қарздор ва кредиторнинг манфаатларини ҳисобга олиб, кредиторга тўланиши лозим бўлган неустойкани камайтириш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилган. Бунда неустойканинг энг кам миқдори Фуқаролик кодексининг 327-моддасида кўрсатилган фоизлар миқдоридан кам бўлмаслиги лозимлигини эътиборга олиб, суд жавобгардан ундирилиши талаб қилинган пеняни 6 000 000 сўм миқдорида қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

ИПКнинг 118-моддасига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Суд юқоридаги қонун нормалари ва Пленум қарори талабларидан келиб чиққан ҳолда даъвогарнинг даъво талабини қисман қаноатлантиришни, суд харажатларини эса жавобгар ҳисобидан ундиришни лозим топди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 236, 242, 333, 465-моддалари, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси 118, 176-179, 186-моддаларини қўллаб, суд

қарор қилади:

Даъвогарнинг даъво талаби қисман қаноатлантирилсин.

Жавобгар "Q****" МЧЖ ҳисобидан даъвогар "E****" фермер хўжалиги фойдасига 48 534 557 сўм асосий қарз, 6 000 000 сўм пеня ва олидиндан тўланган 30 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Жавобгар "Q****" МЧЖ ҳисобидан Республика бюджетига 1 366 733,15 сўм давлат божи ундирилсин.

Ҳал қилув қарори қабул қилингандан кейин бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга киради.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач, ижро варақаси берилсин.

Мазкур ҳал қилув қарори устидан бир ойлик муддат ичида апелляция тартибида шикоят қилиш (прокурор эса ишда иштирок этувчи шахсларнинг мурожаати асосида протест келтириши) мумкин.

Апелляция тартибида кўрилмаган иш кассация тартибида кўриб чиқилмаслиги ишда иштирок этувчи шахсларга тушунтирилсин.

Раислик қилувчи

А.Ш.Аяпов